## Шамоилул-Муҳаммадия / РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ КЎРИНИШЛАРИ / 338-ҳадис

338- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، قَالَ: حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ، قَالَ: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ الْمُنْكَدِرِ، عَنْ جَابِرٍ، قَالَ: جَاءَنِي رَسُولُ اللهِ صلى الله عليه وسلم لَيْسَ بِرَاكِبِ بَغْلٍ وَلا بِرْذَوْنٍ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам менинг олдимга келдилар. Хачир ҳам, бирзавн* ҳам миниб олмаган эдилар».

* «Бирзавн» (кўпликда «барозиину», урғочиси «бирзавнатун») – ажам оти. Айтишларича, бундай отлар араб юртларига Рум мамлакатларидан келтирилган. Бу отларнинг араб отларидан фарқи шуки, уларнинг гавда тузилиши йирик, оёғи бақувват, туёқлари катта, тоғу тош, дараларда юришга чидамли бўлган.

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI